

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”**  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Хафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари**  
*(2016 йил 25-апрелдан 30- апрелгача)*

**№37**

**Тошкент – 2016**

## Ўзбекистон – Россия: стратегик шерикликнинг янги босқичи

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 25-26 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

25 апрель куни Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Президентларнинг самимий ва сермазмун суҳбати узоқ давом этди. Томонлар Ўзбекистон – Россия муносабатлари, жаҳоннинг турли минтақаларида содир бўлаётган воқеалар хусусида атрофлича фикр алмашдилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 26 апрель куни Кремлда бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро алоқалар ривожига янги суръат бағишлашини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама фикр алмашиш учун қулай имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг стратегик ҳамкори ва ишончли иттифоқчиси эканини, бу муносабатлар янада мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асосга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома доирасида изчил ривожланиб бормокда.

Ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим омил бўлмокда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмокда.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон муаммоси, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги доирасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг ташкилот ишини янада фаоллаштириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Владимир Путин Ўзбекистон томонидан ШХТнинг июнь ойида Тошкентда бўладиган саммити муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган ташаббусларни Россия томони қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Ўзбекистон – Россия муносабатларида савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосий ўрин тутди. 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2015-2019 йилларда иқтисодий

хамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид ҳукуматлараро битимга мувофиқ бу соҳадаги алоқалар изчил тараққий этмоқда.

Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо шериклари орасида иккинчи ўринда туради. Ўзбекистон Россияга транспорт воситалари, пахта толаси, трикотаж, мева-сабзавотлар, қора ва рангли металллар, турли хизматлар экспорт қилади. Россия мамлакатимизга транспорт воситалари, кимё ва қоғоз саноати товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 900 дан ортиқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Россиянинг 85 фирма ва компанияси ваколатхонаси очилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич 7,9 фоиз ошган.

Инвестициявий ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Кейинги йилларда Россиянинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 6 миллиард доллардан ошган. Ўтган йили бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 40 фоиз ўсган.

Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ёқилғи-энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ривожда муҳим ўрин тутмоқда. Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» нефть-газ компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Шу йил 19 апрель куни Бухоро вилоятида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди.

Ўзбекистон автомобиллари Россияда доим харидоргир. «Матиз», «Нексия» каби машиналаримиз бу ерда бир неча бор йилнинг энг яхши автомобили деб топилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу мамлакатда янги бренд остидаги «Ravon Genra» савдоси 7 фоиз ўсган.

Россияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб юқори. Ўзбекистон бу соҳада улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада янада кенг имкониятлар яратди.

Музокарада мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга келишиб олинди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро алоқаларни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида маданий-гуманитар, ташқи сиёсат, олий таълим, жисмоний тарбия ва спорт каби қатор соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидладилар. Бу ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини берди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан томонларнинг позицияси бир хиллиги ёки яқинлиги қайд этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россияга расмий ташрифи якунига етди. Олий даражадаги мулоқотларнинг узвий давоми бўлган ушбу музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари белгилаб олинди. Бу Ўзбекистон ва Россия халқлари манфаатларига хизмат қилади.

## Ўзбекистон делегацияси ОҲИЧКнинг 5-учрашувида иштирок этди

**2016 йилнинг 27-28 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга (ОҲИЧК) аъзо давлатлар ташқи ишлари вазирларининг навбатдаги Бешинчи учрашувида иштирок этди.**

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари учрашувининг очилиш маросимида табрик нутқи сўзлади.

Мажлис яқунларига кўра ОҲИЧК Ташқи ишлар вазирлари кенгаши декларацияси қабул қилинди.

### Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тартибга солишдаги таклифлар кўриб чиқилди

**Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган парламент палаталари кўшма мажлисидаги маърузасида депутатлик корпуси олдида қабул қилинадиган қонунлар, уларга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларни амалиётга татбиқ этишнинг аниқ механизмларини жорий қилиш, қонун ҳамда қонуности ҳужжатларининг қодаларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича бир қатор муҳим вазифалар қўйилган эди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмиталарида бу йўналишдаги ишлар тизимли асосда йўлга қўйилган бўлиб, жамият ҳаётининг у ёки бу соҳасини тартибга солувчи қонунларни қабул қилишда уларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг боришига таъсирини ошириш, амалдаги қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий “камчиликларни”, “ишламаётган” ва “икки ёқлама талқин қилинаётган” нормаларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Парламент қуйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг навбатдаги йиғилишида қўмита аъзолари томонидан йил давомида ўтказилган инвентаризация яқунлари билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Хусусан, унда “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг айрим моддалари амалиётда қай даражада ишлаётганлиги муҳокама этилди.

Қўмита аъзоларининг таъкидлашича, ўрганиш давомида мазкур Қонунда қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари риоя этиши шарт бўлган қимматли қоғозлар савдосини ташкил қилиш бўйича аниқ қоидалар белгиланмаганлиги, шунингдек, -акциядорлик жамиятлари томонидан қимматли қоғозлар бозорида ахборотни ошкор қилишга доир қоидаларнинг икки ёқлама талқин қилиниши ҳолатлари аниқланган.

Муҳокамалардан сўнг қўмита аъзолари ишлаб чиқилган таклифлар асосида ушбу Қонунни янада такомиллаштириш, унинг айрим моддаларини “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан бир хиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш лозимлиги тўғрисида хулосага келишди. Таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг қабул қилиниши қимматли қоғозлар бозори ҳамда биржалар фаолиятида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётининг амал қилиши, унинг иштирокчилари, шу жумладан, акциядорлар ва инвесторлар манфаатлари таъминланиши ҳамда миллий қимматли қоғозлар бозорининг жаҳон бозорига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратади.

Йиғилиш сўнгида муҳокама қилинган масала юзасидан “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича қарор қабул қилинди.

## Саноатда кенг фойдаланилади

**Талькомагнезит — озик-овқат ҳамда фармацевтика саноатида кенг қўлланилади. Бундан ташқари, ундан кабель, резина, пластмасса, керамика маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилади.**

Беруний туманидаги “Beruniy tal’k” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиши билан кунига 7 тонна ана шундай хом ашё тайёрлаш имконияти юзага келди.

— Маҳаллийлаштириш дастури доирасида корхонамиз умумий қиймати 158 минг АҚШ долларилик сармоя эвазига хорижнинг замонавий технологияси билан жиҳозланди, — дейди МЧЖ раҳбари ўринбосари Эргаш Абдуллаев. — Унинг ёрдамида кукун -ҳолидаги тўрт хил маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз. Йигирма кишининг бандлиги таъминланди.

Жамоа жорий йилнинг дастлабки чорагида буюртмачиларга 980 миллион сўмлик талькомагнезит етказиб беришга эришди.

## «Франция Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш тарафдори»

- Шрифт ўлчами
- [Печать](#)

- [Эл. почта](#)

**Яқинда Франциянинг Париж I Пантеон-Сорбонне университетига Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболларига бағишланган магистрлик конференцияси бўлиб ўтди.**

Сенаторлар, Иқтисодиёт ҳамда Молия вазирликлари, Франциянинг эксперт ва дипломатик доиралари вакиллари, профессорлар, Париждаги қатор олий таълим муассасалари талабалари қатнашган мазкур тадбирда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий алоқаларнинг бугунги ҳолати, шунингдек, уларни кенгайтириш имкониятлари, бунинг учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан Франция Сенати ҳузуридаги “Франция — Марказий Осиё” парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Ив Поццо ди Борго Буюк Ипак йўли -чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё ҳудуди қадимдан Шарқ ва ўарбни боғловчи муҳим маданий ҳамда савдо маркази бўлиб келганини таъкидлади.

— Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги нуфузи тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этиш жоиз, — деди у. — Франция ҳамда Европанинг бошқа мамлакатлари юртингиз билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори. Умид қиламанки, ўтказилган конференция ва фикрлар алмашинуви иштирокчиларга дунёнинг стратегик жиҳатдан муҳим ҳудуди марказида жойлашган мазкур давлатнинг бугунги жадал тараққиёти ҳақида атрофлича маълумот олиш имконини берди.

“Business France” агентлигининг Марказий Осиё бўйича вакили Франсуа Марк Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий муваффақиятларини юқори баҳолагани ҳолда, янги жабҳаларда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида улкан салоҳият мавжудлигига эътибор қаратди.

— Ўзбекистон диверсификациялашган ҳамда жадал тараққий этаётган саноати билан минтақада етакчи ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги улушини кўпайтириш орқали эришилаётгани диққатга сазовор, — деди у. — Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт модели ва инқирозга қарши курашиш бўйича вақтида қабул қилинган дастурлар жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган муаммоларнинг салбий таъсирини -камайтиришга замин яратди.

Бой хом ашё ҳамда юқори малакали кадрларга эга мамлакатингиз ўзининг сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлиги билан ҳам ажралиб туради.

Шунингдек, конференция доирасида юртимизнинг иқтисодий, сармоявий, сайёҳлик салоҳиятлари тақдимоли ўтказилди. Унда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, қулай ишбилармонлик муҳити, иқтисодиётни янада либераллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, саноатни модернизациялаш ҳамда замонавий технологик ускуналар билан қайта жиҳозлаш, хусусийлаштириш, корпоратив бошқарувнинг илғор усулларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар самаралари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Таъкидланганидек, ҳаётга татбиқ қилинаётган изчил чора-тадбирлар натижаси жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари рейтингида ўз ифодасини топмоқда. Бу борада Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” тадқиқоти ҳулосалари мисол тариқасида келтирилди. Унга кўра, республикамиз рейтингини қисқа

давр ичида 70 ўринга яхшилади. Шунинг-дек, Ўзбекистон дунё бўйича иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган мамлакатлар бешталигидан ўрин олди.

Париж I Пантеон-Сорбонне университети профессори Жан-Лук Ле Бидо юртимизда кузатилаётган иқтисодий ўсиш суръатларини юқори баҳолади.

— Мамлакатингиз жаҳон ҳамжамиятида ғоят муҳим ўринга эга, — деди у. — Ўзбекистон нафақат улкан табиий бойликлар, балки интеллектуал, иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятга ҳам эгадир. Бир неча йил аввал юртингизга ташриф буюриб, Буюк Ипак йўлидаги чинакам дурдоналар ҳисобланган Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива сингари кўхна шаҳарлар тароватидан баҳра олиш бахтига муяссар бўлган эдим.

Франция Марказий Осиёнинг муҳим давлати бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида дадил қадамлар ташлаши лозим, деб ўйлайман. Париж I Пантеон-Сорбонне университети Ўзбекистон — Франция ўртасида таълим соҳасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш борасида ҳар томонлама амалий ёрдам беришга тайёр.

## ЯИМ ҳажми ва барқарорлик

- Шрифт ўлчами
- [Печать](#)
- [Эл. почта](#)

**Шу йилнинг дастлабки чорагида Буюк Британияда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,4 фоиз ошди, деб хабар берди “Евроньюс” телеканали.**

Бу таҳлилчилар прогнозидан 0,1 фоиз кўп демакдир. Шундай қилиб, “Туманли альбион” иқтисодиётида ўн уч чоракдан бери ўсиш барқарорлиги сақланиб қолаяпти. Миллий статистика бошқармаси вакилларининг айтишича, мамлакатнинг Европа Иттифоқига аъзолиги бўйича яқин кунларда бўлиб ўтадиган референдум юқоридаги ҳолатга на салбий, на ижобий таъсир кўрсатади.

### Икки баробар пастлади

Япониянинг автомобиль ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Mitsubishi Motors” компанияси маҳсулотларига бўлган ички талаб икки баробар пасайиб кетди.

Ушбу ҳолат мазкур бренд ёнилғи харажатларини камайтириб кўрсатгани билан боғлиқ хатодан сўнг келиб чиққан.

Ўз навбатида, унинг акциялари нархи бир ҳафта ичида 50 фоиз арзонлашган.

### Смартфонлар савдоси таҳлили

2016 йилнинг январь — март ойларида жаҳон бозорида смартфонлар савдосида илк бор тушиш кузатилди. Бу ҳақда “Strategy Analytics” манбаси хабар тарқатди.

Хусусан, биринчи чоракда 334,6 миллион дона ана шундай мобиль алоқа воситаси -харид қилинган. Ваҳолонки, ўтган йилнинг мазкур даврида бу кўрсаткич 345 миллионтани ташкил этганди. Жанубий

Кореянинг “Samsung Electronics” компаниясининг бозордаги улуши 23,6 фоиз, АҚШнинг “Apple” брендиники эса 15,3 фоиз камайди.

## Апрелда қор

Айни кунларда Европанинг айрим давлатларида ғайритабиий об-ҳаво кузатилмоқда.

Яъни апрелнинг охирида қатор ҳудудларда кучли қор ёғди. Синоптикларнинг изоҳлашича, Гренландия денгизидан эсган Шимоли-Ғарбий шамоллар мана шундай вазиятни келтириб чиқарган. Сабаби, айнан ушбу совуқ оқим ҳароратнинг кечаси Цельсий бўйича 0, кундузи +8 даражадан юқорилашига йўл қўймапти. Қиш манзараларини Болтиқбўйи, Болқон ва Шарқий Европа давлатлари, Австрия, Германия, Буюк Британия, Голландияда кузатиш мумкин. Қийғос очилган гуллар қор остида қолган.

## Армрестлингчилар Тошкентда беллашмоқда

- Шриффт ўлчами
- [Печать](#)
- [Эл. почта](#)

**Пойтахтимизда армрестлинг бўйича XV Осиё чемпионати бошланди. Унинг дастлабки кунда ўсмирлар, катталар, фахрийлар ва жисмоний имконияти чекланган спортчилар ўз маҳоратини синовдан ўтказди.**

Ўсмирлар ўртасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Санжар Йўлдошев олтин, Жавоҳир Латипов, Алибек Облоқулов, Маъмуржон Рустамов, Ҳасан Раҳмонқулов, -Мухлиса Турсунбоева, Наврўза Абдурахимова кумуш, Ҳасан Мўминов, Алишер Дехқонбоев, Зоҳир Файзуллаев, Мирзодбек Жўрақулов, Владимир Бондарь, Нозима Анварова, Моҳинабону ўайбуллаева, Шаҳноза Абдурахмонова бронза медалга сазовор бўлди.

Катталар ва фахрийлар баҳсида вакилларимиздан бир қанчаси совриндорлар қаторидан ўрин эгаллади.

Жисмоний имконияти чекланган спортчилар ўртасида Ферузбек Боймуродов, Сардор Худойбердиев, Ҳайитмурод Сарибоев, Отабек Қўчқоров, Алишер Турғунов, Абдулсамад Бобомуродов, Ўлмас Муҳиддинов, Гулноза Маматқулова, Наргиза Азимова сингари ҳамюртларимизга омад кулиб боқди.

## Олимпиадачиларимиз сафи кенгаймоқда

- Шриффт ўлчами
- [Печать](#)
- [Эл. почта](#)

**Жорий йилги Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларимиз сафи янада кенгайди.**

Тажрибали енгил атлетикачимиз Екатерина Хилько Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ташкил этилган нуфузли мусобақада трамполин бўйича кучли саккизликдан жой олди ҳамда “Рио — 2016” йўлланмасини қўлга киритди.



Ўша беллашувларда бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жа-

моаси аъзоси Анастасия Сердюковага ҳам омад кулиб боқди. У юксак маҳорат кўрсатиб, Олимпиада ўйинларида иштирок этиш имкониятига эришди.

Ёш ва истеъдодли спортчи қизларимиз Самира Амирова, Валерия Давидова, Луиза ўаниева, Зарина Қурбонова, Марта Растобурова эса жамоавий чиқишларда жами 32,832 балл тўплаб, яқунда шохсупанинг иккинчи поғонасидан ўрин олди ҳамда мамлакатимиз спорти тарихида ушбу йўналишда илк бор тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида уюштирилган эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Олимпиадага лицензия берувчи биринчи жаҳон саралаш турнирида ҳам ҳамюртларимиз билдирилган ишончни оқлашди. Ушбу мусобақада -Элмурод Тасмуродов ва Мўмин Абдуллаев юнон-рум кураши бўйича Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди.

Мусобақанинг эркин кураш йўналишида эса тажрибали спортчимиз Магомед Ибрагимов вазни 97 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида кумуш медаль қаторида, XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари лицензияси соҳибига айланди.

Жанубий Кореянинг Чонжу шаҳрида ниҳоясига етган академик эшкак эшиш бўйича XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун Осиё қитъаси бўйича саралаш мусобақаси-

да ҳамюртимиз Шаҳбоз Холмирзаев биринчи ўринни эгаллади ҳамда “Рио — 2016” ўйинларида иштирок этадиган бўлди.

Шундай қилиб, айна пайтгача Ватанимиз спортчилари XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларига 76 та йўлланмани қўлга киритди.